

BUYRUQ

Toshkent sh.

2016 yil «28» avgust № 120 sonli

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг ягона меъёрий-услубий ҳужжатларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2014 йил 3 ноябрдаги 60-а-сон мажлиси баёнида белгиланган чора-тадбирлар режаси ҳамда 2015 йил 3 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 351-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, таълим жараёни сифатининг ички назоратини сифатли ва самарали ташкил этиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:


1. “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таълим жараёни сифатининг ички назорат тартиби тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.


2. “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таълим жараёни сифатининг ички назорат тартиби тўғрисида”ги Низом Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти учун ягона меъёрий-услубий ҳужжат сифатида ижро учун қабул қилинсин.

3. Ишлар бошқармаси бошлиғи, Назорат гуруҳи раҳбари А.Жонузоқовга мазкур буйрукни ўрнатилган тартибда жойларга етказиш вазифаси юклатилсин.

4. Мазкур буйрук ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Вазирнинг биринчи ўринбосари,
Марказ директори


У.Салимов



Ўрта махсус, касб-хунар таълими
бошқаруви қарорининг 2016 йил 28.04 даги
-сонли буйруғига илова

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари
малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таълим жараёни
сифатининг ички назорат тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

I. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги “Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1761-сонли, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли, 2012 йил 10 августдаги “Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги 242-сонли, 2015 йил 3 декабрдаги “Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 351-сонли қарорлари ҳамда Ўзстандарт агентлигининг 2013 йил 7 мартдаги 05-433-сонли қарори билан тасдиқланган “Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими раҳбар кадрларининг малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёрланганлигига қўйиладиган Давлат талаблари” асосида ишлаб чиқилган бўлиб, Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими кадрларининг малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институти (кейинги ўринларда-Институт) да Ўрта махсус, касб-хунар таълими (кейинги ўринларда – ЎМКХТ) муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш (кейинги ўринларда – МО ва уларни ҚТ), ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш бўйича таълим жараёни сифатининг ички назорат тартибини белгилайди.

2. ЎМКХТ муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари МО ва уларни ҚТ бўйича таълим жараёни сифатининг ички назорати тартиби Институтда жорий этилади ва мазкур Низом асосида амалга оширилади.

II. Таълим жараёни сифати ички назоратининг мақсад ва вазифалари

3. ЎМКХТ муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари МО ва уларни ҚТ бўйича таълим жараёни сифати ички назоратининг мақсади куйидагилардан иборат:

а) назорат турларини амалга ошириб тингловчиларнинг ўзлаштирилишини аниқлаш орқали Давлат талабларининг бажарилишини назорат қилиш ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

б) педагоглар инновацион фаолиятини доимий комплекс баҳолаб бориш, модуллар бўйича дастурларнинг ўзлаштирилишини мониторинг қилиш орқали педагогик салоҳиятни ошириш ва модулларни замонавийлаштириш;

в) ўқув модуллари бўйича дастурларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;

г) тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни эгаллашдаги фаоллигини рағбатлантириш.

4. Ички назоратнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) ўқув модулларининг тингловчилар томонидан тизимли тарзда ва белгиланган муддатларда ўзлаштирилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;

б) таълим сифатини доимий ошириб бориш тадбирларини ишлаб чиқишга замин яратиш;

в) кириш тест синови натижалари асосида ўқув модулларининг дастурида баён этилган материаллар бўйича тингловчиларнинг дастлабки билимларини аниқлаш ва таълим мазмунига янгиликлар киритиш;

г) оралиқ тест синов (ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларида ҳар ҳафтадаги ассисментларнинг, ҳар бир модул тугагандан кейин ўтказиладиган тест синовларининг, тингловчиларни касбий ривожлантириш якка тартибдаги режасини бажариш) натижалари орқали тингловчиларнинг мутахассислик бўйича тайёргарлик блокадаги асосий ўқув модуллари юзасидан лавозим вазифаларига ёки мутахассислигига тааллуқли эгаллаган билимларини аниқлаш;

д) ҳар бир модул бўйича гуруҳнинг кириш ва якуний (чиқиш) тест синови натижалари ўртасидаги фарқига кўра мазкур модул бўйича машғулотни олиб борувчи профессор-ўқитувчининг педагогик фаолияти самарадорлигини баҳолаш;

е) тингловчиларда Давлат талабларига мувофиқ тегишли билим, кўникма ва малакаларнинг шакллانганлиги даражасини назорат қилиш, мониторингини юритиш ва таҳлилини амалга ошириш;

ж) қайта тайёрлаш (малака ошириш, ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш) курсининг курсни тугатиш (малакавий) ишлари мазмуни ва сифатини назорат қилиш.

III. Таълим жараёни сифатини ички назорати турлари ва амалга ошириш тартиби

5. Раҳбар ва педагог кадрларнинг МО ва уларни ҚТ жараёнида амалга ошириладиган ички назорат қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) бошланғич назорат (кириш тести)-малака ошириш (ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш) дастурлари бўйича тингловчининг қандай бошланғич билим ва кўникмаларида эга эканлигини ва якуний чиқиш тестлари билан таққослаш орқали таълим самарадорлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Кириш тести (бошланғич назорат) тингловчи малака ошириш курси бошланган куни ўтказилади;

б) оралиқ назорат – қайта тайёрлаш курсларида ўқув режасида назарда тутилган модуллар бўйича (тест-синов, имтиҳон, курс иши, амалиёт бўйича ҳисоботлар) амалга оширилади; малака ошириш курсларида 6 ва undan ortiq ўқув соати ажратилган модуллардан уларнинг якунига кўра амалга оширилади. ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларида ҳар ҳафтадаги ассисментлар (тингловчиларга малакавий ишлари мазмусидан келиб чиққан ҳолда индивидуал топшириқлар берилади), ҳар бир модул тугагандан кейин ўтказиладиган тест синовлари, тингловчиларни касбий ривожлантиришнинг якка тартибдаги режасини бажариш ҳисоботи (портфолио – тингловчининг шахсий иш режаси асосида курс давомида ва стажировка даврида мустақил амалга оширган ишлари);

в) якуний назорат - Давлат аттестация комиссияси олдида якуний тест ҳамда малакавий иш (қайта тайёрлаш курсларида курсни тугатиш иши) ни ҳимоя қилишни ўз ичига олади. Якуний (чиқиш) тести курснинг охириги ҳафтасида ўтказилади;

г) малакавий ишлар ва курсни тугатиш ишларини ҳимоя қилиш тингловчилар томонидан ўқув режадаги барча модуллар тўлиқ ўзлаштирилганидан сўнг якуний (чиқиш) тестининг ижобий натижасига кўра раҳбар ва педагог кадрларнинг МО ва уларни ҚТ

таълим муассасаси буйруғи билан тасдиқланадиган жадвал асосида амалга оширилади. ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларида малакавий ишларни ҳимоя қилишга ҳар ҳафтадаги ассисментлар, касбий ривожлантиришнинг яқка тартибдаги режасини бажариш ва ҳар бир модул тугагандан кейин ўтказиладиган тест синовлари, якуний (чиқиш) тестининг натижалари бўйича ижобий натижаларга эришган тингловчилар қўйилади.

Барча назорат турлари натижалари ўқув журналида қайд этиб борилади.

6. ЎМКХТ муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича таълим жараёни сифатини ички назоратини ташкил этишда қуйидагиларга амал қилинади:

а) кириш ва якуний (чиқиш) тест топшириқлари вариантлари таълим муассасасининг тегишли кафедралари томонидан ишлаб чиқилади, Институтнинг Илмий-педагогик кенгаши томонидан тасдиқланади. Раҳбар кадрлар учун кириш ва якуний (чиқиш) тест топшириқлари вариантлари ЎМКХТ маркази билан келишилади;

б) малака ошириш курсларида – бошланғич назорат (кириш тести), модул бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилувчи оралик назорат, чиқиш тести ҳамда малакавий ишларни ўз ичига оладиган якуний назорат ўтказилади;

в) қайта тайёрлаш курсларида –модул бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчи томонидан амалга оширилувчи оралик назорат (тест-синов, имтиҳон, курс иши, амалиёт бўйича ҳисоботлар) ҳамда якуний тест (чиқиш тестлари) ва курсни тугатиш ишлари ҳимоясини ўз ичига оладиган якуний назорат ўтказилади;

г) ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларида бошланғич назорат (кириш тести), малакавий иш раҳбари томонидан назорат қилинувчи ҳар ҳафтадаги ассисментлар, стажировка бўйича ҳисоботлар, Институт директори буйруғи билан масъул этиб белгиланган профессор-ўқитувчи томонидан назорат қилинувчи касбий ривожлантиришнинг яқка тартибдаги режасини бажариш ва ҳар бир модул тугагандан кейин модул бўйича дарс берувчи профессор-ўқитувчи томонидан ўтказиладиган тест синовлари тарзида амалга оширилувчи оралик назорат ҳамда якуний тест (чиқиш тестлари) ва малакавий ишлар ҳимоясини ўз ичига оладиган якуний назорат ўтказилади;

д) малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаси фаолияти меҳнати самарасини баҳолаш имкониятига эга бўлиш учун кириш ва якуний (чиқиш) тестлари ягона топшириқлар базасидан олинади;

е) ЎМКХТ муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг МО ва уларни ҚТ курсларида кириш ва якуний (чиқиш) тестлари таълим муассасаси раҳбарининг буйруғи асосида шакллантирилган махсус ишчи гуруҳи томонидан ўтказилади.

ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсида ўқиш тугагач тингловчилар ЎМКХТ маркази директори раҳбарлигида ташкил этиладиган тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарларидан, ўқув-услубий ишлар соҳасидаги етакчи мутахассислардан иборат таркибдаги аттестация комиссияси ўтказадиган аттестациядан ўтишлари керак.

IV. Тингловчиларнинг ўзлаштириш даражасини баҳолаш

7. Тингловчининг курс бўйича ўзлаштириш даражаси баллар орқали ифодаланади.

Ҳар бир назорат тури қандай шаклда ўтказилишидан қатъий назар 100 баллик тизимда бутун сонлар ёрдамида баҳоланади. Ўтиш бали 60 балл этиб белгиланади. 60÷74 балга эришган тингловчи фаолияти “қоникарли”, 75÷89 балга эришган тингловчи фаолияти “яхши”, 90÷100 балга эришган тингловчи фаолияти “аъло” баҳога тенглаштирилади.

8. Бошланғич назорат (кириш тести)нинг натижаси якуний (чиқиш) тест натижаси билан таққосланиб, тингловчининг курс давомида ушбу модул бўйича ўзлаштириш

даражасини таҳлил қилишда, таълим муассасаси профессор-ўқитувчиларининг тингловчилар билан ишлаш фаолиятининг самарасини ҳамда модулнинг зарурийлик даражасини аниқлашда қўлланилади.

9. Синовларда фойдаланиладиган тестлар банки мазмун жиҳатдан ўқув курслари ўқув режаларига киритилган модулларнинг дастуридан келиб чиқиб, мутасадди кафедраларнинг малакали профессор-ўқитувчилари томонидан шакллантирилади. Ҳар бир малака ошириш йўналишлари кириш ва якуний (чиқиш) тестлари учун 200 тадан кам бўлмаган тест саволлари банки яратилади. Ҳар бир тингловчига кириш ва якуний (чиқиш) назорати тестлари 50 тадан кам бўлмаган тест саволлари варианты тақдим этилади.

Модуллар якуни бўйича амалга ошириладиган оралик назоратда битта вариантдаги тест саволлари сони ўқув режада назарда тутилган ўқув соатларига пропорционал тарзда 10 тадан 25 тагача белгиланиши мумкин.

Ҳар бир тест саволини топшириш учун тингловчига 45 сониядан 1 дақиқагача вақт берилади.

10. Тест синовлари саволлари базаси ўқув йили якунига кўра янгиланиб ва такомиллаштириб борилади. Тестлар банкида ҳар бир ўқув модули бўйича тестлар сони ўқув режаларида ушбу ўқув модулга ажратилган аудитория ўқув юкламасида ажратилган соат миқдоридан келиб чиқиб белгиланади, яъни, бир жуфтлик соатга 6 тадан кам бўлмаган тест саволлари киритилади.

V. Якуний қондалар

11. Тингловчи (малака ошириш ва қайта тайёрлаш курси) назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб бир кун мобайнида Институт раҳбарига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда раҳбарнинг буйруғи билан уч нафар аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссияси тингловчиларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

ЎМКҚТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларида агтестация комиссиясининг хулосаси қатъий ва у апелляция қилинмайди.

12. Ички назоратнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши Институт раҳбарияти томонидан назорат қилинади.

13. Малака ошириш курсларида сабабсиз 18 ўқув соати (қайта тайёрлаш ва бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларида 30 ўқув соати) машғулотларга келмаганлар тингловчилар сафидан чиқарилади.

Тингловчилар белгиланган ўқув соатидан кўп дарс қолдирганлигининг узрли сабабини ҳужжатлар билан асослаган тақдирда уларга ўз йўналишлари бўйича навбатдаги оқимда ўқишни давом эттириш ҳуқуқи берилади.

Мақсадли ўқитиш курслари тингловчиси ўқув машғулотларига ўз вақтида келмаганлигининг ҳужжатлар билан тасдиқланган узрли сабаблари мавжуд бўлган тақдирда уларнинг мақсадли ўқитиш курсларидан ўтиш муддати, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда, тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ кейинги муддатларга кўчирилади.

14. Тингловчилар томонидан, сабабидан қатъий назар белгиланган ўқув соати доирасида қолдирилган машғулотлар тегишли ўқув модули бўйича тест топшириш орқали мустақил ўзлаштирилади.

Қолдирилган машғулотларни мустақил ўзлаштирамаган (шунингдек, оралик назоратни топширмаган) тингловчилар якуний тест синовларига қўйилмайди. Якуний тест синовларини топширмаган (ёки етарли балл тўплай олмаган) тингловчилар малакавий иш (курсни тугатиш иши) ҳимоясига қўйилмайди.

Оралик ва якуний (чикиш) тест синовларида етарли балл тўпламаган тингловчиларга тест синовларидан қайта ўтиши учун бир кунлик тайёргарликдан сўнг (Институт декани рухсати билан) бир марта имконият берилади. Имкониятдан фойдалана олмаганлар тингловчилар сафидан чиқарилади.

15. Малака ошириш курслари тингловчилари - малакавий ишини ҳамда қайта тайёрлаш курслари тингловчилари – курсни тугатиш ишини муваффақиятли химоя қилганда уларга курсни якунлаганлиги тўғрисидаги давлат намунасидаги ҳужжат (малака ошириш курслари тингловчилари учун – сертификат, қайта тайёрлаш курслари тингловчилари учун – диплом) берилади.

ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларида аттестация комиссиясининг қарори тингловчиларга ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларини тугатганлик ҳақида белгиланган намунадаги сертификат бериш ҳақида буйруқ чиқаришга асос ҳисобланади.

16. Малака ошириш, ЎМКХТ муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курслари тингловчилари малакавий ишини ҳамда қайта тайёрлаш курслари тингловчилари курсни тугатиш ишини турли сабабларга кўра химоя қила олмаганда уларга курсни тинглаганлиги тўғрисида маълумотнома берилади. Тингловчининг асосли сабаблар кўрсатиб ёзган аризасига мувофиқ малакавий (курсни тугатиш) иши химояси кейинги оқимдаги Давлат аттестация комиссиясига қўйилиши мумкин

17. Малакавий ҳамда курсни тугатиш ишлари химояси якунига кўра якуний давлат аттестация комиссиясининг қарори ҳар бир тингловчи учун алоҳида расмийлаштирилади.

18. Мазкур меъёрий ҳужжатда белгиланган бандлар бўйича келиб чиқадиган низолар қонун ҳужжатлари асосида ҳал қилинади.

